

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ


№ 213 (11.022)

Баҳоси эркин нарҳда

Кейинги йилларда АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗДА Кўплаб замонавий турар жой бинолари, банклар, ишлаб чиқариш корхоналари, маданий-маиший объектлар, олий ўқув юрталари, лицей ва коллежалар, мактаблар, болалар учун спорт масканлари қурилиб, қайтадан таъмирланиб ишга тушириладиганини, янги жаҳон андозаларидаги йўللар, мустаҳкам кўприклар бунёд этилиб, майдон ва хиёбонлар, истироҳат боғлари тубдан реконструкция қилинаётганини кўриб, қувонасан, қалбинг фахр ҳисларига тўлади...

ПОЙТАХТИНИНГ БИР КҮНИ

Янгилıklar, воқеалар



Бунёдкорлик

ЗАМОНаВИЙ ТУРАР ЖОЙ БИНОСИ

Шаҳримиздаги Амир Темур кўчасида яна бир замонавий мухташам турар жой биноси қад ростлашти. Ушбу объектнинг буюртмаси «SIB Габус» масъулияти чекланган жамияти бўлиб, бунёдкорлик ишларини бош пудратчи ташкилот «Габус қурилиш» масъулияти чекланган жамияти жамоаси амалга оширмакда. Янги йил байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режаланган мазкур турар жой биноси 9 қаватдан иборат бўлиб, унда 26 та оила истиқомат қилади.

Кейинги йилларда қурилиш соҳасида шаҳримизда ўзига хос ёндошув, замонавий тақин юзага келди, — дейди жўшқин меҳнат жараёнини бошқараётган бригадир Бахтиёр Эшонқулов. — Бойси, ҳар бир объект лойиҳасидан тортиб, унда ишлатиладиган қурилиш материаллари, гиш термидан тортиб, пардоз, монтаж, қўйинчи, атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришгача бўлган жараёнларга янги йўналишлар киритилмоқда. Қисқаси, бизнинг бунёдкорлик соҳамизда ҳам замон талаблари беқибс даражада ўсди, ривожланмоқда. Шу ўринда ҳамкасбларимизнинг касб-маҳоратларини алоҳида таъкидламоқчиман. Қурувчиларимиз малакаси хорижлик бунёдкорлардан ҳеч ҳам қолишмайди. Аксинча, юртимиз иқлимнинг ўзига хос инжиқликлари — жазирама кўёши, саратонини ҳам пиланд қилмай, йил давомида бир мезъарда сифатга асосий эътиборни қаратиб тайёрлашга оид меҳнат қилишади. Хусусан, бу турар жой лойиҳасининг мукамаллиги, муркаб ва шу билан бирга ноёб томонлари ҳам кўзга яққол ташланади ҳамда уйда истиқомат қилувчи ҳамшаҳарларимизга жуда

манзур бўлади, деб умид қиламиз. Турар жой биносидан қўланган қурилиш материалларининг барчаси юқори сифатли, замонавий бўлиб, хориждан келтирилган. Евро усулида қуриладиган уйда юк ва одамларни ташишга мўлжалланган лифт ҳам ўзига хослиги билан ажралади туради. Унинг эксплуатация муддати нисбатан узокроқ ҳамда ишлатишда осон, қулай. Бинонинг биринчи қаватидан маиший хизмат объектлари жой олади. Унинг юқориси (томида) яшовчиларнинг тоза ҳавода хордиқ чиқариб, дам олишлари учун қулайликлар яратилади. Шу билан бирга, бионинг атрофи керексиз қурилиш қолдиқларидан тозалалаб, ободонлаштирилади. Ободончиликда ҳам янги ёндошув қайд этилиб, ҳар бир қарич бўш жойга райграсс чими ётқизилади, манзарали ўсимликлар еклиб, дарактлар ўтказилади. Эътиборли томони, буюртмага кўра бунёдкорлар болалар майдончасини ҳам қуриб, жажжи болаларнинг мавнути қилишади...

Шаҳримизнинг кўрқига янада кўрк қўшиб қад кўтарган яна бир гузал турар жой биносидан кўли гул бунёдкорларимизнинг машаққатли, аммо шарафли меҳнатлари маҳсули сифатидаги йигирма олти та омадли хонадон соҳибларини янги йилда уй тўйларини ўтказиш фурсатлари тобора яқинлашмоқда.

МУХАБАБ ХАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: Амир Темур кўчасида қад ростлаган 9 қаватли турар жой биноси шаҳримиз кўрқига янада кўрк қўшади.

Ҳажимжон Солиқов олган суратлар

ШХТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

ТОШКЕНТДА 2 НОЯБРЬ КУНИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.



Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Карим Масимов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао, Қирғизистон Республикаси Бош вазири вазирасини бажарувчи Алмазбек Атамбаев, Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубков ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилоннинг тор доирадаги учрашувидан бошланди. Музокарада ШХТ Бош қотиби Б.Нурғалиев ва ШХТ Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори М.Субанов ҳам иштирок этди.

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШХТ ўз тараққийотининг янги босқичга чиқётгани, Бишкек саммитида имзоланган Узоқ муддатли ахши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунинг учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши таъкидланди. Ташкилотнинг халқаро нуфузи юксалиб, унга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сони ортиб бормоқда.

ШХТ мамлакатлари ўртасида товар айирбашлаш ҳамми мутасил ошмоқда. Хусусан, ўтган йили Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатлар билан савдоси 40 фоиз ўсди.

Қатнашчилар ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар — ташкилот қамраган минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда ҳамкорликка доир кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг чора-тадбирлари юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизлик муаммолари, Афғонистонни тиклаш масалалари ШХТнинг доимий эътиборида. Томонлар терроризм, экстремизм, айирмачилик, нарқобизнес каби таҳдидларга қарши курашда ва ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

ШХТ Бош қотибининг Давлат раҳбарлари кенгаши ва Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ташкилот доирасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга оид қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги хисоботи тингланди.

Ташкилот савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар учун масъул вазирилик ва идоралар раҳбарларининг жорий йил 24 октябрь куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалиётга татбиқ этишга қаратилган муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2007 йилнинг июнь ойида эса Москва шаҳрида ёқилғи-энергетика мажмуи учун масъул вазирилик ва идоралар раҳбарларининг кенга-

ши ўтказилиб, ушбу соҳадаги ҳамкорликка оид масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Мажлисида нефть-газ конларини ўзлаштириш, ёқилғи-энергетика мажмуи инфратузилмаларини такомиллаштириш, шунингдек, юқори технологиялар соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифага айланиб бораётгани қайд қилинди. Шунингдек, машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, транспорт коммуникациялари каби соҳаларда ҳамкорлик учун кенг имкониятлар мавжуд.

Қатнашчилар ШХТ Ишбилармонлар кенгаши билан Банклараро бирлашмасининг ҳамкорлигини янада ривожлантириш, аъзо мамлакатлар ишбилармон ва молиявий доираларини йирик минтақавий сармовий лойиҳалар ижросига кенгроқ жалб этиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Иқтисодийнинг асосий тармоқлари ва экспортга йўналтирилган секторларида, юқори технологиялар соҳасида ушбу икки тузилманинг ҳамкорлиги ривожланимоқда.

Кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШХТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалаларининг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Музокаранинг бу қисмида қузатувчи давлатлар вакиллари — Ҳиндистон Республикаси давлат ташқи ишлар вазири Е.Ахамед, Эрон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти П.Довудий, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари М.Энхсайхан ва Покистон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Х.Қасури, шунингдек, меҳмон сифатида Афғонистон Ислом Республикаси биринчи вице-президенти А.Масуд қатнашдилар.

Мажлисида ташкилотга аъзо ва қузатувчи давлатлар ўртасида транспорт, ёқилғи-энергетика мажмуи, кимё саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, юқори технологиялар борасидаги ҳамкорлик, гуманитар соҳадаги алоқаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Макур мамлакатларнинг бир-бирига боғлиқ жиҳатлари анчагина. Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, мамлакатимизнинг транспорт коммуникациялари қатор давлатлар учун транзит вазифасини бажаради ва айна пайтда Ўзбекистонга тегишли юклар қатор мамлакатлар худуди орқали ўтади. Биргина Анджижон-Ўш-Қашқар магистралнинг салохияти таҳлил қилинса, бу борадаги ҳамкорликнинг имкониятлари анча кенг эҳтимол аён бўлади. Шу боис транспорт соҳасида халқаро автомобил ҳаракати учун қулай шарт-шароит яратиш бўйича битим ишлаб чиқиш лозим. Энергия манбаларини узасти борасида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Зубковни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2 ноябрь куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао билан қабул қилди. Сухбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлисида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Россия Федерациясининг ҳукумати раиси Виктор Зубков Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Рустам Қосимов ҳамкорлигида 2 ноябрь куни М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида бўлиб, мазкур таълим муассасаси раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмиталари 2 ноябрь куни Р.Р.Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида «Илмий-ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш—қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда муваффақият гарови» мавзусида конференция ўтказдилар.

Зулфия номидаги Давлат мукофотида номзодларни танлаш бўйича Тошкент вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Президентиимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси йўлида Бекобод туманида жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 500 га яқин киши уй меҳнатига жалб этилди.

Президентиимизнинг шу йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатадиган «Сам Экстремед Сервис» маркази иш бошлади.

Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида БМТ ҳамкорлигида Орол бўйида экотуризм йўналишларини кенгайтириш лойиҳасининг тақдимоти ўтказилди.

Тоғлиқ Деҳқонобод туманида калийли ўғит ишлаб чиқаришга мўлжалланган заводни барпо этишга киришилди. Россия Федерацияси, Хитойнинг «СИПС» компанияси билан ҳамкорликда яратиладиган бу завод йилга 200 минг тонна импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Аънавий «Футболлимиз келажаги» республика турнирининг 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасидаги якуний босқич беллашувлари Хива шаҳридаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

Кеча Россиянинг барча худудларида Халқ бирлиги куни байрами кенг нишонланди.

Муҳолифат кучларининг кескин хатти-ҳаракатлари туфайли Покистон Президенти Парвез Мушарраф мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилди. Унинг узоқ вақт давом этиши қутулмоқда. Кеча мамлакатда муҳолифат вакилларининг бир нечтаси ҳибсга олинди.

Франция Президенти Никола Саркозининг Чад мамлакатига сафари етти нафар ҳибсга олинган европаликларнинг озод этилишига имкон яратди.

Уч кундан буён Тбилисидаги мамлакат парламенти майдони ёнида бирлашган муҳолифат кучлари томонидан кўп минг кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Намойишчилар мамлакат ҳукумати ва Президентнинг истеъфого чиқилиши талаб қилмоқдалар. Ниҳоят кеча Грузия Президенти Михаил Саакашвили телевидение орқали чиқиш қилди.

«Ассошиэтед Пресс» ахборот агентлигининг хабарига кўра Пентагон Покистонда фавқулодда ҳолат эълон қилинганга қарамай ушбу мамлакатта терроризмга қарши курашда ёрдам кўрсатишни давом эттиради.

Индонезиянинг «Mandala Airlines» авиакомпаниясига қарашли «Boeing 737» самолёти Маланг аэропортига ҳассилардан бири очилмай қолганлиги сабабли ноқулай кўндирildi. Сўнгги маълумотларга қараганда, самолёт бортида бўлганлардан 5 киши энгил жароҳат олган, холос.

Италиянинг Порто Сан Жоржо шаҳрида яшовчи 27 ёшли Сара Тарантина беш эгизак—уч ўғил, икки қизли бўлди.

Кеча Тула областидаги қариялар интернатига чиққан кучли ёнғин оқибатида етти киши ҳаётдан кўз юмди, тўртта қария жароҳатланди. Ҳозирда ёнғин сабаблари аниқланмоқда. Ушбу ҳодиса юзасидан жиноят иши очилган.

23 декабрь — Ўзбекистон

Республикаси Президенти сайлови куни
ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ВА КҲЧДИ
ФУҚАРОДИК ЖАМИЯТИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ РАИСИ М.АБДУСАЛОМОВ 2 НОЯБРЬ КУНИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАБУОТ МАРКАЗИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДАН КЕЛГАН ЖАМОАТ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИР ГУРУҲИ БИЛАН УЧРАШДИ. УЧРАШУВ МАВЗУСИ ОЛДИМИЗДА ТУРГАН МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕА — ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА БАГИШИЛАНДИ.

Мустиқиллик йилларида фуқароларимизнинг ўз сайлов ҳуқуқини рўйбга чиқариши учун мамлакатимизда барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Харгал ана шу қулай имкониятлардан кенг фойдаланиш асносида, Ўзбекистонда сайлов ҳозирда замон демократиясининг энг муҳим институтига, халқимиз ўз хоши-иродасини ифода қили-

ши, сиёсий ҳаётда, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва айна чоғда давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан иш-тирок этишининг асосий шаклларида бирига айланганга амалда кўп бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Айнан шу сабабдан булajak улкан ижтимоий-сиёсий воқеа эл-юртимиз истиқ-

болида нечоғли салмоқли ўрин тутганини холос ва муносиб баҳолаш ҳам зиммамизга катта масъулият оқлаши табиийдир. Бугунги кунда дунёда сайтовлар фуқаролик жамиятининг етуклиги ва сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражасини акс эттирадиган кўзгудир. Истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизимининг сайловларни

очиқ ва ошқора ўтказишнинг пухта механизми эканлигини тўлиқ исботлади ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларнинг яққол самараларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси ва неча минг йиллик миллий аъналаримизнинг ўзаро уйғунлаштирилиши натижаси ўлароқ, миллий сайлов қонунчилигимизда халқимиз ўз хоши-иродасини эркин ва ошқ ифода этишини таъминлайдиган ижобий жиҳатлар муҳассамини топди.

(Давоми 2-бетда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСINI ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2007 йил 7 ноябрь куни соат 12.00 да учинчи чакирик халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн тўртинчи сессияси чақирилади.

Сессия кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг таркибини 2-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этиш тўғрисидаги масала киритилмоқда.

Касба сатрларда

БУГУН Ҳамза туманидаги 161-мактабда туман «Тенгдош» маданият уйи ҳамда «Қамолот» ЁИҲ туман бўлими Кенгаши ҳамкорликларида 5,6-синфлар ўқувчилари иштирокида уюштирилган интеллектуал ўйин «Ким эгчилу, ким қақсон?» деб номланди.

ЎТГАН куни шаҳримизда экологик ҳашар уюштирилди. МИРОБОД туманида туман ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчилари, ўқувчилари иштирокида ўтказилган тадбир «Тил—миллат кўзгуси» деб номланди. ИЖТМОИЙ ҳимоя йилига муносиб туҳфа сифатида Республика «Меҳнури» жамғармаси ҳимойчилигида капитал тасвирдан

чиқарилган 2-муруват уйи биноси фойдаланишга топширилди. ШАҲРИМИЗДА санъат илосмандлари эътиборига ҳавола этилган мусаввир Наталья Булагина томонидан яратилган расмлар кўргазмаси «Акс» деб номланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳриларимиз хабарларидан).

ШХТ ХУКУМАТ РАЎБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саноатнинг кўплаб соҳаларида қўшма корхоналар тузиш, сарможий лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш хар томонлама фойдалидир. Пахта, тери, ипакни ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби тармоқларнинг ўзида ҳам катта имкониятлар бор. Мажлисда қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ва рағбатлантиришга келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорлик масалаларига, айниқса, маданият ва спорт соҳасидаги алоқаларга сўнгги вақтларда Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисларида ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бишкек саммитида Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир. Мажлисда ШХТ Котибиятига экспертлар гуруҳи билан ҳамкорликда Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалиётга татбиқ этишни муайян чора-тадбирларини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Бу йўналишда маданият ва бадий жамоаларнинг сафарларини уюштириш, турли фестиваллар, кўргазмалар, танловлар, спорт мусобақалари ташкил этиш, талабалар алмашиш, олим ва тадқиқотчиларнинг мулоқотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир.

ШХТнинг Бишкек саммитида ёшлар ташкилотларининг уюшмасини тузиш, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлигини ривожлантириш учун ШХТ университетини ташкил этиш борасида фикрлар билдирилган эди. ШХТ Хукумат раҳбарлари кенгаши мажлисининг қатнашчилари бу йўналишдаги имкониятларни кўриб чиқдилар.

Соғлиқни сақлаш ва экология соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борадаги алоқалар тиббиёт ва фармацевтика соҳасида тажриба алмашиш, турли эпидемияларга қарши биргаликда курашишга хизмат қилади. Соғлиқни сақлаш масалалари муайян даражада атроф-муҳит муҳофазасига боғлиқдир. Мажлисда таъкидланганидек, ШХТ доирасида атроф-муҳитни муҳофазга қилиш соҳасида ҳамкорлик концепцияси ишлаб чиқилган. Уни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш зарур.

Мажлисда ташқи савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт, нефть-газ сектори, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат, спорт, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика каби соҳалар учун масъул бўлган вазирлик ва идораларга ушбу йўналишларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди, мавжуд режа ва дастурлар ижросини фаоллаштириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини бажариш чора-тадбирлари режасига киритилган лойиҳаларни таҳлил қилиш вазифаси топширилди.

Кенгашда ШХТнинг 2008 йилги бюджети тўғрисида қарор қабул қилинди. Навбатдаги мажлисни 2008 йилда Қозғистонда ўтказишга келишиб олинди.

Мажлис якунида Қўшма баёнот, ШХТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида божхона ишида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самаралари кечгани, имзоланган ҳужжатлар ШХТ мамлакатлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ва кўп томонлама амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Меҳмонлар Хукумат раҳбарлари кенгаши юксак савияда ташкил қилинганини алоҳида таъкидладилар.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири

Семинарда қайд этилганидек, ҳозирги вақтда фуқаролик жамиятининг таянч демократик бўлини бўлиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари роли ҳамда ваколатларини кучайтириш масалалари мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришда устувор йўналишга айланди. Мамлакатимиздаги тўққиз мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ишида 100 мингдан ортиқ маҳалла фаоллари иштирок этмоқда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга соладиган тегишли ҳуқуқий база яратилган бўлиб, улар ўз ваколатларини амалга ошириши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ катта имкониятлар берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16

ланган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007–2008 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари, “Маҳалла” жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) учун амалий машғулот ва семинарлар ўтказмоқдалар, маҳалла кўмиталарини бинолар, ташкилий-техника ва тегишли адабиётлар билан таъминлашга қаратилган зарур чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Туман ва шаҳар ҳокимликларини ёрдамда фуқаролар йиғинларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофазга қилиш ва обо-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

«ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ВА СУД-ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ КЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН БИРГАЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН СЕМИНАР 2 НОЯБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ БИНОСИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, «Давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказиш жараёни амалга оширилмоқда».

Семинар иштирокчилари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиши юзасидан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини қарор топтириш ва ривожлантириш учун ҳамма шароитлар яратиб берилганлигини, ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини амалга оширишда фуқароларга ёрдам берилаётганлигини таъкидладилар. «Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати далоятномаларини қайд этиш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишга доир қисми ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари 2006–2007 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг сайёр мажлисларида муҳокама қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2006 йил 25 декабрдаги Қарори билан тасдиқ-

донлаштириш муаммолари юзасидан ҳисоботлари тинланмоқда. Ижтимоий соҳа, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва уй-жой бинолари ҳамда ҳовлиларни намунали сақлаш, шунингдек иссиқлик ва электр энергиясидан ҳамда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда.

Масалани муҳокама қилиш асосида семинар иштирокчилари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли ишларни давом эттириш, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва керакли адабиётлар, газета ҳамда журналлар билан таъминлаш, шунингдек фуқаролар йиғинлари ҳузурдаги кичик корхоналарнинг тадбиркорлик фаолиятидан олиналган даромадларга солиқ имтиёзлари бериш зарурлигига эътиборни қаратдилар. Семинар иштирокчилари қишлоқ ёшлари орасида олиб борилган спорт, оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий ва бошқа тадбирлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўладиган сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг кенг иштирокини таъминлаш борасида ҳам таклифлар билдирилди.

Семинар ишида сенаторлар ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент вилоятидаги ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари ва вилоят фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини, «Маҳалла» жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтини, Ўзбекистон Мусулмонлари диний идораси, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент давлат юридик институтини, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПАРТИЯСИНING ҚУРУЛТОЙИ

ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИДАН САЙЛАНГАН ДЕЛЕГАТЛАР, ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ПАРТИЯДАН САЙЛАНГАН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Қурултойда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедовнинг дастурий маърузаси тинланди.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй бераётгани, унгда 72 минг кишини биллаштирган сафлари мустаҳкамланган бўлиб қатнашган. Партиядан сайланган 11 наф депутат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фаолият қилмоқда. Партия аъзолари мамлакатнинг ижтимоий-сёсий ҳаётида фаол иштирок этаётди.

Шу йил 23 декабрда ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига мажбуратан асосий ва ижтимоий ҳаётда муҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга улкан аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Шуносабат билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси жиддий сиёсий мактаб вазифасини ўтайдиган ва партиянинг барча фаоллари, бошлангич ташкилотларининг ижтимоий-сёсий етулки синови бўладиган, шунингдек, демократия тамойилларини амалда жорий этиш имконини берадиган сайловда қатнашишни ўзининг ўта муҳима вазифаси, деб билади.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси раисининг кенгаши раиси, ушбу сиёсий партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хўшид Дўстмуҳамедовнинг номзоди кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг маърузасининг асосий дастурий идалари муҳокама этилди.

Қурултойда, шунингдек сиёсий партия фаолиятига оид бошқа масалалар кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕК ОЛИМИ — ЛЕЙПЦИГ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ФАҲРИЙ ПРОФЕССОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ЎРТАСИДА ИЛМ-ҒАН СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ТОБОРА РИВОЖLANИШ БОРАЭТАНИНИ ИККИ МАМЛАКАТНИНГ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ЎЗРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АЛОҚАЛАРДА ҲАМ КЎРИШ МУМКИН.

Яқунда Лейпциг университетига Анджон Давлати-лар педагогика институтининг кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор Мухтор Умархўжаевга кўру университетининг «Фахрий профессоори» унвони топирилишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда Лейпциг университетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда табаалар иштирок этдилар.

Тадбирда университет илмий кенгашининг раиспрофессор Э. Флайшман Ўзбекистондаги олий таълим мўссасаларида фаолият кўрсатаётган тилшунос мутахассисларнинг касб маҳоратига юксак баҳо берди.

– Ўзбекистонда немис тили билан шуғулланадиган тиллар сўнги пайтларда ўз соҳаларида катта ютуқларни қилган киритилди, – дейди Э. Флайшман. – Бунда икки мамлакат олий ўқув юртлари ўртасида илм кишиларининг касб аҳоратини оширишга қаратилган ўзаро илмий алоқалар ва Германия академик алмашувлар хизмати (DAAD) томондан ажратилаётган грантлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Лейпциг университети аспирантурасида таҳсил олиб, ўз илмий ишини ёқлаган профессор М. Умархўжаевнинг сўнги икки ой давомидаги Ўзбекистонга оид маърузалари талабаларимизнинг эътиборига сазовор бўлди. Унгда университетимиз фахрий профессоори унвонининг берилиши ўзбек тилшунос олимлари илмий салоҳиятининг юксаклиги-рофиридир», деб таъкидлади германиялик танили олим Лейпциг университетининг яна бир вакили, профессор Г. Вотжаннинг таъкидлашича, М. Умархўжаевга Германиядаги ўқув юртининг профессоори унвонининг берилиши ва унинг университет илмий кенгаши аъзолигига қабул олиниши икки томонлама илмий муносабатларнинг янада мустаҳкамлашишига хизмат қилади.

«Ҳаҳо» АА
Белин

НАШРИЁТ ФАОЛИЯТИГА НАЗАР

КИТОВ ИНСОНИЯТ ТАРАҚҚИЯТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ШУ БОИС БУГУНГИ ТЕЗКО ДАВРДА ҲАМ УНГА БЎЛГАН ТАЛАБ ЎЗГАРМА ҚОЛАВЕРАДИ. ЮРТИМИЗДАГИ НУФУЗЛИ МАТБАА КОРХОНАЛАРИДАН САНАЛГАН «ШАРҚ» НАШРИЯТ МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИ ҲАМИЮРАМИМИЗНИНГ КИТОВГА БЎЛГАН ТАШНАЛИГИНИ ҚОНДИРИШ БОРАСИДА МУАЙЯН ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА. МАТБААЧИЛАР ЖАМОАСИ ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, МАЪРИФИЙ СОҲАЛАГА ОИД ЯНГИДАН-ЯНГИ АСАРЛАР ВА ДАРСЛИКЛАРНИ КИТОВХОНЛАР ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТАЯПТИ.

Асарларнинг ҳар бир даврида китоб кишилар томонидан маънавият ва маърифат ёғдуси деб тан олинди. Чунки, инсониятнинг тарақиётида китобнинг ўрни беқиёсллигига тарихдан маълум. Мамлакатимизда нашийт ва матбаа соҳасига қаратилган юксак эътибор эса бевосита жамиятимизда маърифатпарварлик тамойилларини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Шу маънода «Шарқ» нашийт матбаа акционерлик компанияси томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Сўнги уч ойга назар ташлайдиган бўлсак ҳам болалар дарсликлари, бадий асарлар чоп этилди. Ўзбек адабиётининг ёкин намойндаси Абулға Қаҳҳорнинг юз йиллик юбилейига бағишлаб ёзувчиларнинг ҳаёти ҳақида Носир Фозилнинг «Устоз сўзлаганда» деган китоби айнан «Шарқ» мабаа акционерлик компаниясида чоп этилди.

Шунингдек, нашийт томонидан аниқ пайтга қада ёш ўқувчилар учун икки ўз миллион сўмлик китоблар ишр қилинди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, йил охирига қада яна шунча миқдордаги турли-хил адабиётлар чоп этилиши режалаштирилган. Жорий йилда нашийтнинг китоб дўконларига миқдори икки миллиард сўмга гег бўлган китоблар сотувга чиқарилган. Айтиш керакли китобнинг аҳамияти ва унинг китобхонлар ўртасида тарбонини кучайтиришда нашийтларнинг роли жуда муҳим. «Шарқ» нашийт матбаа акционерлик компанияси томонидан бу борада олиб борилган эзгу ишлар бугунда-ноқ ўз мевасини бермоқда.

Фулом МИРЗАЕВ,
ЎзА мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда).

Экспертларнинг қайд этишларича, Ўзбекистон сайлов қонунчилигида демократик сайловнинг барча асосий тамойиллари — умумийлик, сайлов ҳуқуқининг барча учун тенглиги, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш, сайловда ихтиёрли қатнашиш, сайловни ўтказишдаги ошқоралик ўз аксини топган. Бу галги сайлов ҳам ушбу ҳуқуқий негиз асосида ташкил этилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси раиси йиғилганларга сайлов кампанияси бошланганидан буён ўтган қирқ кундан ортиқ вақт мобайнида амалга оширилган ишлар, қабул қилинган қарорлар, ташкил этилган тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Таъкидланганидек, ўтган даврда Марказий сайлов комиссияси яси қарорларига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловни ўтказувчи сайлов округлари тузилди. Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди. Аниқ вақтда жойларда участка сайлов комиссияларини ташкил этиш жараёни давом этмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди. Унга кўра мамлакатимизда фаолият юритаётган ва сайловда иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган бешта сиёсий партияга сайловда иштирок этиш учун ижозат берилди.

Булар — Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон ҳалқ демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидир.

Ўзбекистон Республикаси Президен-

ти сайловда иштирок этишга ижозат сўраб мурожаат этган битта сайловчилар ташаббускор гуруҳига ҳам бўлажак сайловда қатнашишига ижозат этилди. Ана шу партияларнинг барчаси ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ва белгиланган намунадаги имзо арақаларининг бланкалари берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Миллий телерадиоканпанияси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик қилиш ва сайловни ўтказиш жараёнидаги ҳолисона ёретишига оид битим им-

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Юрорида қайд этилганлардан келиб чиқиб ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар юксак савияда, миллий қонунчилик талаблари доирасида амалга оширилаётди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов билан самийи ва қизгин мулоқот чоғида мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданок демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида демократик ва фуқаролик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилгани алоҳида таъкидланди. Уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур ҳуқуқий асос, қулай шарт-шароит ва тегишли имтиёзлар яратилди. Бунинг натижасида юртимизда ҳозирги кунда қарийб 5 минг нодавлат нотижорат ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, улар ҳаётимизнинг турли ижтимоий йўналишларида давлат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб

бормоқда. Учрашувда иштирок этган фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг аксарияти бундан икки ярим йил аввал ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзо нодавлат нотижорат ташкилотларнинг (ННТ) фаолларидир. Мазкур ассоциациянинг асосий мақсадларидан бири ҳам жамиятнинг демократлаштириш ва янгилан, мамлакатнинг модернизация ва ислох этиш йўлидаги вазифаларни ҳал қилишда, кишилар онгу-шуурида демократик кадрларини мустаҳкамлашда, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва амалий фаоллигини юксак даражага кўтаришда, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини қуришда ННТлар ролини янада кучайтиришдан иборат.

Эътиборли жиҳати шундаки, сайловнинг асосий субъектлари ҳисобланувчи сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидир. Бу бугунги кунда мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётганлигини аққол тасдиқлайди.

Бошқача айтганда, ҳар қандай давлатда, ҳар қайси жамиятда сайлов жараёнида сиёсий куч ва ҳаракатларнинг интилишлари билан бирга одамларнинг эркин фикрлаш даражаси, фикрлар хилма-хиллиги, жамиятдаги қайфият ёрқин намоён бўлади. Учрашув давомида тадбир иштирокчилари қайфиятида ана шундай юксак ижтимоий-сиёсий руҳ сезилиб турди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларимизнинг бўлажак сайловда ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишларни ривожлантириш истиқболли йўлида қўшадиган ҳиссаси бўлади.

Учрашувда қатнашчиларнинг кўплаб саволларига атрофлича жавоб берилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш

Рустам ХАЙДАЮВ,
«Туркистон-пресс»

Мусохаба

БЕҒАРАЗ ДОНОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

МАЪЛУМКИ, ҚОН КИШИ ҲАЁТИДА, УНИНГ ОРГАНИЗМИНИНГ РИСОЛАДАГИДЕК РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ ҮРИН ТУТАДИ. ҚОН СУЮҚ ТҶИМА БҮЛИБ, ТАНАНИНГ ЕПТИ ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ВОЯГА ЕТГАН ОРГАНИЗМДА ҲАТТА 5-5,5 ЛИТР ҚОН БҮЛАДИ. ҚОННИНГ ҲУЖАЙРА ҚИСМИ АСОСАН КИСЛОРОДНИ ТАШИШ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРАДИ.

Кейинги йилларда тиббиётда қон билан даволаш, қон куйиш, қон компонент ва препаратларини тайёрлаш масалалари устувор вазифалардан бирига айланган бормоқда.

Яқинда Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида донорлик ва қон хавфсизлигини таъминлашга бағишланган, хорижий мутахассислар иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

Биз ана шу анжуман қатнашчиси, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори, Олий тоифали шифокор Зухра Убайдуллаевадан ушбу анжуманда қўрилган масалалар ҳамда «Қон препаратлари» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг фаолияти ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— **Зухра Ибрагимовна, донорлик ва қон хавфсизлигини таъминлашга бағишланган ана шундай нуфузли анжумани кўпга Халқаро конференция, симпозиум ва бошқа тadbирлар бўлиб ўтқанидан Тошкент шаҳрида ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга. Чунки, мамлакатимизда қон хизмати ташкил қилишга давлат аҳамиятига эга масала сифатида қараб келинмоқда. Сиз иштирок этган анжуманда асосан қандай масалалар борасида сўз борди?**

— Анжуманда мамлакатимиздаги мавжуд қон куйиш тизимини қайта ишлаб чиқиш ҳамда турли аҳоли қатламларини қўйилган беғарз донорлик жалб қилиш ишларини йўлга қўйиш орқали қон хавфсизлигини таъминлаш, республикамизда фаолият кўрсатаётган йилгирма битта қон куйиш марказларини худудий марказларга айлантириш, уларни қон хавфсизлигини аниқловчи махсус ускуналар билан таъминлаш, қон хизмати ходимлари малакасини ошириш, қон хизмати, донорликнинг долзарб масалалари ҳақида фикрлаш кўрилади.

— **Сухбатимиз қон хизмати, донорлик ҳақида экан, ўзингиз раҳбарлик қилган қон хизмати корхонанинг фаолиятига ҳам тўхталмай ўтсангиз.**

— Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли «Қон препаратлари» илмий ишлаб чиқариш корхонаси пойтахт аҳолисига қон хизмати кўрсатувчи бош му-

ассаса ҳисобланади. Ҳозирги кунда корхонада донор бўлими, қон ва қон компонентларини тайёрлаш, марказий стерилизация, техник назорат, стандарт зардолбар, ОИТС (СПИД) лабораторияси, бактериологик, биокимё лабораторияси, экспедиция ва ташкилий ишлар бўливлари мавжуд.

Корхонада республикамизда ягона бўлган қон препаратларини ишлаб чиқариш хизмати фаолият кўрсатиб келмоқда. Бизда албумин, иммуноглобулин, қўқ йиринг тедкчасига қарши одам иммуноглобулини, глонат ёки Филатов зардолби каби инсон ҳаёти ва фаолияти учун ўта зарур бўлган бир неча хил қон препаратлари ишлаб чиқарилади. Махсуслаштирилган бари сертификатланган ва ишлаб чиқариш лицензияларига эга.

— **Сиз корхонада донор бўлими фаолият кўрсатаятганини айтиб ўтдингиз. Шу ўринда донорлик, қон хизмати ҳақида ҳам сўзлаб беришнгиз.**

— Қон ва унинг препаратларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикасининг «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги» тўғрисидаги қонун билан белгиланган қўйилган. Унга қўра донор ўз қони ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт учун ихтиёрий равишда берувчи киши ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, донорлик халқимиз феъл-атворида хос ва мос ҳислатдир. Инсонларга қўлдан келганча аяшшлик қилиш, меҳр-саховат каби фазилатлар азаддан юртдошларимизга қон билан кирган. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, юртимизда бугунги қон захираси 15 фоиз ўрнига факатгина 3 фоизни ташкил қилади ҳолос.

Мамлакатимизда ёз ойларда ўтказилган «Халқаро донорлик ойи»да беминнат қон донорларининг сони 22500 нафарга етди ва олинган қон захираси 8246,5 литрни ташкил этиб, бунинг натижасида ўн бир мингдан ортқ беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Юртимизда қон захирасининг етарли бўлиши, донорлар сонининг оширилиши учун одамлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, донорлик соғлиқ учун зарур эмас, балки фойдал қелтириши тўғрисида тушунтириш

ишларини олиб боришимиз зарур, деб ўйлайман.

— **Корхона ходимларининг донорлар билан ишлаш, улар сафини кенгайтириш борасидаги ишлари тўғрисида ҳам сўзлаб беришнгиз.**

— Ҳақиқий донорлар мамлакатимиз марказий жойларида камдан-кам ҳолларда ўзлари пайдо бўладилар. Шунинг учун ҳам ходимларимиз уларнинг ёнларига бориб, қон донорлиги борасида саводхонлигини ошириш, унинг асосий мақсадларини тушунтириш борасида машғулотлар ўтказиб келмоқдалар. Айрим кишилар ёки гуруҳлар билан қон топширишга олиб бориладиган сўхбатлар уларнинг доимий донорларга айланишида муҳим омил бўлмоқда.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, фуқаролар билан бўлиб ўтаётган сўхбат-машғулотларда В гепатити, захм, ОИТС каби касаллик билан оғриган кишиларнинг донор бўлишлари мумкин эмаслиги ҳам тушунтириб берилмоқда. Ҳозир сўхбатлардан мақсад, кишиларни инфекцияга дучор бўлмастикка ўргатиш, донор бўлишга яроқсиз (турли юқулми касалликка билан оғриганлар) кишиларни донорликдан воз кечишга ишонтириш, қўйиш учун ишлатиладиган қоннинг ҳавфсиз эканлигига ҳамият ишончини янада кўтариш, мустаҳкамлашдир.

— **Сир эмас, кўпчилик қон топшириш инсон ҳаёти учун зарар деб ҳисоблайди...**

— Қон топшириш, яъни донорлик қон берувчининг ҳаёти учун зарар, деган хавотирга сира асос йўқ. Соғлом одам танасидаги 5-5,5 литр қоннинг 4-8 фоизи ёки 200-400 миллиграммининг топшириши киши соғлиғи учун умуман беэардир. Организм йўқотган қонни тўқималардан суяклик захиралари ҳисобига тўлдирди. Қон топшириш жароғли тиббий ходимлар томонидан маълум қондалар асосида амалга оширилади ва бу донор саломатлигига ҳеч қандай хавф туғдирмайдир. Соғлом киши учун вақти-вақти билан қон топшириш турии соғлиқ учун фойдали бўлиб, баъзи касалликларнинг (хафакон, бош оғриғи) олдини олади. Умуман олганда қон топшириш турии саломатлик учун фойдал қелтирилади. Чунки, одам қони янгиладилар туради. Ҳозирги даврда қон топширувчиларнинг бадалсиз донорлар ва пуллик донорлар тури мавжуд бўлиб, пуллик донорлар топширган қони эвазига тиббий муассасалардан белгиланган нархда пул оладилар.

Сўхбатимиз охирида донорлар берадиган қон ва ундан олинган дори воситалари шифохонлар ва туғруқхоналарда кўпга кишиларнинг ҳаётини асраб қолишда муҳим восита эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман ва барча соғлом кишиларни ана шундай савобли иш — беғарз донорликка бош қўйишга чақираман.

— **Мароқли ва қизқарлик сўхбатингиз учун ташаккур.**
Сухбатдош Шавкат ҒАҚУБОВ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

• Бундан миллион йил илгари яшаган улкан ҳайвон — динозавр излари Бразилиянинг Пара-иба штатида топилди. Бу ҳайвоннинг излари қотиб кетган ботқоқликни қазиш натижасида аниқланди. Олимларнинг фикрича, из қолдирган динозаврнинг узунлиги 10 метр бўлиб, панжаларининг изгаридан ва бошқа органларининг қолдиқларидан унинг оғирлигини бемалол аниқлаш мумкин. Бразилиянинг «Вежа» журналы динозаврнинг Африкадан Шимолий Шарққа томон келганлигини ёздади. Маълум бўлишича, 100 миллион йил илгари Африка ва Жанубий Америка бир қитъа бўлган экан.

• Американинг Теннесси штатидаги Мемфис университети тиббиёт факультетининг инсон аъзоларини қўчириш кафедрасининг mudдир, мисрлик олим доктор Исама Жобир қанд қасаллигига дучор бўлган ҳасталар организмда табиий инсулин моддасини ажратиш билан боғлиқ янги бир усулни муваффақиятли қўллаб бошлади. Бу усул ошқозон ости безида инсулин ажратиб чиқаришга хизмат қилувчи «Лангерхем ороллари»ни бемор организмга қўчириб ўтказиш билан боғлиқдир. Маълумки, ана шу оролчалар фаолияти бузилса ёки тўхтаса инсон қанд касалига мубтало бўлади. Янги усул ошқозон ости безини қўчиришга кетадиган катта сарф-харажатга чек қўяди, айни чоғда у беморларда учрайдиган дармонсизланиш, ҳолсизланиш, ҳушдан кетиш сингари қатор хавфхатарли ҳоллардан йироқ. Чунки мазкур оролчалар инсон организмни учун оз эмас, кўп эмас, балки керакли микдорда инсулин ажратиб чиқаради.

• Осий-Тинч океани минтақасидаги орол давлатларидаги об-ҳаво хизмати идоралари кичик-роқ компьютер қурilmалари ва қабул қилиш антеннасидадан фойдаланиб, об-ҳаво қандай келишини, вайронагарчилик келтирувчи тўфонлар яқинлашиб келаётганини, авиация учун учиш шариоити қандай бўлишини осонгина аниқлай оладилар. Австралия метеорология бюроси кўпи билан ўн минг доллар турадиган ана шундай қурilmани яратди. Осий-Тинч океани минтақасидаги кичик мамлакатлар катта ва оғир қурilmалардан фойдалана олмайдилар. Энди улар таклиф этилаётган қурilmа ёрдамида Тинч океанининг Фарбий қисми тепасида геостационар орбитада турган «Интелсат» алоқа йўлдоши орқали Мельбурндаги об-ҳаво миллий марказидан ўзларига зарур ахборотни оладиган бўлдилар. Телемонитор экранида йўлдош орқали суратга олинган ҳаво қатламларидаги жараённинг ривожланиш ҳамда компьютерлар ҳисоблаб аниқлаган об-ҳаво маълумотларининг қизмалари кўрсатилади.

• Химолайда жойлашган кичкинагина Бутан мамлақати филакелеячилар ўртасида жаҳондаги энг ноёб маркаларни чиқарувчи мамлакат сифатида шуҳрат қозонган. Бу ерда биринчи марта куйловчи маркалар чиқарилган. Уларнинг орасида миллий гимн, халқ кўшиқлари ёзилган маркалар ҳам бор. Яна бир мўъжиза — йиртқич ҳайвонларнинг тасвири туширилган стереоскопик маркалардир. Яқинда Бутанда муаттар хидли маркалар ҳам пайдо бўлди. Уларда атиргул тасвирланган бўлиб, шу гулнинг ҳидини таратади.

• Америкадаги ҳўл мева етиштирувчи ҳўжалик фермерлари зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда ўзига хос воситага эга бўлдилар. Бу тракторга ўрнатилган улкан чангютар ҳисобланади. Чангютарнинг тўртта «томоғи» бўлиб, бир йўла тўрт қатор экинзорга ишлов бериши мумкин. Ўсимлик япроқларидан соатига 50 километр тезликдаги ҳаво оқими кучи билан тортиб олинган ҳашаротлар қурilmа ичидида паррака урилиб, шу заҳотиёқ ҳалок бўлади, жасади эса ташқарига чиқариб ташланади. Мезворларни чангютар билан тазолаш қимёвий ишлов беришни сезиларли қамайтиришга имкон беради.

• Танзаниянинг Ромба миллий боғидаги шимпанзеларда ойига икки-уч маротаба одатдан ташқари ҳолат рўй бера бошлади. Улар тўсатдан энг хушхўр мевалардан бош тортиб, қўриқхонанинг олис чеккасига тўда бўлиб равона бўла бошладилар. Унгача катта бўлмаган майдондагина ўсувчи аспилиянинг пастки шохлари атрофида жойлашиб олиб, ниманидир тановул қилардилар. Ҳар бир маймун япроқни узиб олган, ҳафсала билан чайнаб, оғзида тутиб турар ва бир оз фурсатдан сўнггина ютиб юборарди. Кейин яна бошқа баргни узарди. Қисқаси, олимларнинг кўз ўнгига қандайдир жумбоқ намобён бўлди. Жониворшунослар бир неча фаразларни текшириб қўрдилар, жавоб эса канадалик ва танзаниялик олимларнинг аспилия япроқларини қимёвий текширишидан сўнггина олинди. Маълум бўлишича, аспилия таркибига илгари маълум бўлмаган микроб ва бактерияларга қарши органик доривор модда мавжуд экан. Маймунлар барглари бекорга ҳузур қилиб чайнашмас экан. Бу вақтда доривор модда оғиз бўшлиғидаги бактерия ва касаллик кўзгатувчи замбуруғларга қирон келтиргач, ошқозонда ҳам шифобахлигини давом эттирадир.

• «Нью-Игланд джорнел оф медисин» журналы яқинда инсон танасининг оғирлиғи билан узок умр кўришлик борасидаги боғлиқлик тўғрисидаги муфассал маълумотни босиб чиқарди. Умуман олганда бу маълумотлар авваллари маълум бўлган нарсани қайтарган бўлса, уларни янги факт ва кузатувлар билан тўлдирди. Унга қўра оғзин одамлар сезимларга қараганда узок умр қўрадилар. Семиз одамлар қандай ёшда бўлишларидан қатъи назар барибир қисқа умр қўрадилар. Ушбу янги ҳулосага қўра 60 ёшга қадм қўйилган 20 ёшларидидаги оғирликда бўлганлари маъқул. Бўйи 160 сантиметр бўлган аёлларнинг оғирлиғи 60 килограммдан ошмаслиги лозим.

Хунармандчилик

КОРХОНАНИНГ СИФАТЛИ МАХСУЛОТЛАРИ


БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ГЎШАСИГА БОРМАНГ, ШАРҚОНА МЁМОНЧИЛИК УСУЛЛАРИ АСОСИДА БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ҲОВЛИ-УЙЛАРГА ВА ТУРЛИ ИШНОТЛАРГА КЎЗНИНГ ТУШАДИ.

Айниқса, уларга ўрнатилган бежирим, ўзига хос бетакорор ашиқ, ром ва дарвозалар кишининг ҳайратини янада оширади. Албатта, буларнинг барчаси ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган анъаналарнинг турмуш тартимида яна буй кўрсатаётганлигини далоятлади.

Учтепа туманида фаолият юритаётган «Шокиров» хусусий фирмаси ана шу қадимий анъаналарини изчил давом эттираётган жамоалар сирасига қиради. Корхона раҳбари Абдуғофур Шокировнинг таъкидлашича, бу ерда ўндан ортқ турдаги ёғоч ўймакорлиги усуллари асосида ашиқ-ромлар тайёрланади. Ушбу ёғоч махсулотлари сифатининг юқорилиги боис нафакат пойтахтда, балки узок вилоятлардаги ҳовли-уй ва идораларга ҳам ўзгача ҳусн бағишлаб турибди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.
Усмон Усмонов олган сурат



МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЭЪТИБОР

ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ «ТЕНГДОШ» МАДАНИЯТ УЙИДА «АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ, ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АСОСИ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БҮЛИБ ҮТДИ.

Унда бадий ҳаваскорлик жамоалари, ўқув курслари раҳбарлари, маҳалла фаоллари, таълим муассасалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва қадрлаш, аждодларимиз қолдирган меросга ҳурмат билан ёндашиш тўғрисидаги мухтакамлаш йўлида қилинаётган ишларга қаратилди. Шунингдек, анжуманда аждодларимиздан мерос бўлиб қолган миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, турли расм-русумларимизнинг йўқолиб кетаётганлиги, уларни ёшларга тўлиқлигича етказиб берилаётганлиги ачинарли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Ўтказилган мазкур тадбирдан қўланган асосий мақсад ёшларни ота-она, кекса авлод вақилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш руҳида тарбиялаш, аждодларимиздан қолган бой тарихий меросни қўнғ билан ўрганишида эътиборни кучайтириш, маънавий қадриятларни улар онгига сингдиришга қаратилган.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

МЕХНАТНИНГ ҚАДРИ

Биз янги қўшниллар яшаётган кўп қаватли бинолар орасида ҳамаси уч гектарга яқин буш ер бўлиб, у иморатлардан қолган-қутган ташландик қурилиш материаллари билан тўла эди. Шу жой-ўч тўрт йил шундайлигича қаровсиз ётаверди. Кейин сўраб-суриштирув бошланди. Биров бу ер болалар боғчаси учун қолдирилган экан деса, яна биров мактаб қурилишини айтди. Кимдир дам олиш маскани бўлишини башорат қилди. Хуллас уч тахминлар боис яна йиллар ўтди. Бора-бора баъзи қўшниллар унинг бир четини чинкидилардан тазолаб, томорка сифатида фойдалана бошлади. «Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деганларидек, бошқалар ҳам ундан ўзлари учун тегишли жой ажратиш олиш пайига тушишди. Йил ўтиб «ер эгалари» томонидан шоша-пиша пала-партиш экинлар экинлар сувсизликдан қуриди. Ниҳоллар қуруқ чўпга айланди. Шундан кейин улар

Отахон боғ ҳосилини бир ўзи емади, маҳаллага берди, шу яқин атрофдаги меҳрибонлик уйига жўнатди. Барибир кўпчилик кўпчилик эканди. Орада ивир-шивир гаплар бошланди. Аввалига бу миш-мишларга Шоқосим ота парво қилмади, ўз билганидан қолмади. Болаёнаган гап ой ўтган сари можарога айланди.

Нега маҳаллага тегишли бўлган жойга Шоқосим ота ҳўжайинчилик қилади? Меҳнат қилган бўлса, икки-уч йил ҳосилини еди. Энди бу жойни маҳаллага қайтарсин. Богдан шу атрофдаги ҳамма хонадонлар баравар фойдалансин, дегувчи оғзи катталар пайдо бўлди. «Ҳой, ноинсофлар, ахир шу қария шу жойни обод қилган деганда, ҳаммаларнинг ўзларининг пана-панага олган эдиларинг, энди тайёр оша бақовул бўлмоқчимсанлар», деганлар кам топилиди.

Фисқу-фасод гаплар бора-бора отахонга таъсир қилди, ғайратини сусайтирди. Кейин у ётиб қолди. Қаровсиз қолган боғ парварширини йўқотди. Ҳали пишиб етилмаган меваларни катта-кичик пала-партиш

ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

бу жойга сув келтирмай, ерни тошлоқлардан тазоламай туриб ҳосил ундириб бўлмастиклигини тушуниб етишида, яна майдонни ўз холига ташлаб қўйишди.

Маҳалланинг катта бир йиғилишида ташландик ер масаласи кўрилди. Юқоридан келган вақиллар бу жой маҳалла ихтиёрида эканлигини айтишгандан кейин, уни обод қилиш юзасидан турли фикрлар билдирилди. Лекин ҳеч ким журъат этиб ободчилик ишига бош-қош бўлиш вазифасини ўз зиммасига олгиси келмади. Шунда маҳаллада анча обрў топган Шоқосим ота исмли қария ўрнидан турди.

— Агар маҳалладошлар рози бўлса шу жойни менга берсаларингиз. Мен уни бутун ҳаражатларини бўйнимга олган ҳолда, обод қилиш шу ерда катта бир боғ яратсам, — деган таклифни киритди.

Отахоннинг бу гапидан ҳамма ҳайрон. Тоғни урса талқон қиладиган йигитлар бу ишга жазм этмай турганларидан анча ёшга бориб қолган бу қария нима деяпти ўзи? Ахир бу жойни тазолаб, сув келтириб, обод қилишнинг ўзи бўладими? Одамлар ишқибозлик учун бу майдондан жой олиб, қанча тер тўкиб каталакдек ерни ўзлаштирилмай ташлаб кетганларини наҳотки бу чол инобатга олмаётган бўлса?

Талашли-тортишув ниҳояси Шоқосим ота томонида қал бўлди. Отахон эртасидан бошлаб ишга киришди. Одам ёллаб ерни тошлоқлардан обдон тазолади. Бир неча километр узоқликдаги ариқдан қувар орқали сув келтирди. Олдинги ишонч билдирмай, қани кўрайлиқчи кучи қанчага етаркин, деб ўтирганлар отахондаги бу ғайрат, саяй-ҳаракатини кўриб кўзларига ишонмай қолди.

Йил ўтиб кеч куз ва эрта баҳорда режа бўлиб ўтказилган ниҳоллар буй қўзиб ўзини кўрсатиб қолганини кўрган маҳалладошлар отахоннинг жасоратига тан беришди. Шоқосим ота елиб-югуриб боғ парварширини бўшастирмади. Йил бўйи қўйдан кетмон, тоққайчи тушмади. Ниҳоллар тагини қоғди, юмшатди, бачки шохларни кесди, вақтида озуқа, сув берди. Қарабиски беи йилда росмана боғ ҳосил бўлди. Эрта экинлар мева дарахтлар қийғос ҳосилга кирди.

узиб, тортилади. Дарахтларнинг шохлари синди. Маҳалла фаоллари боғни вақтинчалик шу ерда жойлашган чойхона ихтиёрига топширишди. Лекин чойхоначи ва унинг қоровулининг гапини кўпчилик эътиборга олмади. Кўп ўтмай, боғбонсиз қолган боғ қурий бошлади. Ажойиб манзара, кўрғаниннинг ҳавасини келтирадиган, бутун бошли маҳаллага фазл бағишлаб турган боғ яна харобазорга айланди. Ана шундагина атрофдагилар боғ боғбонсиз хароб бўлишини тушуниб отахонни йўқлаб қолди. Лекин энди кеч бўлган эди. Шоқосим ота куч-қувватдан кетиб, оғир меҳнатга ярамай қолганди.

Охир-оқибатни тушуниб етган кишилар бир ёқадан бош чиқаришди. Бирлашиб боғни қайта тиклаш ишига киришдилар. Бу ишларга маҳалла фаоллари бош-қош бўлишди. Кўпчилик илтимоси билан уста боғбон Шоқосим ота яна иш тепасига келиб ободончиларга керакли маслаҳатлар, йўл-йўриқларни бериб турди. Ўз боғбинини топган боғ кўп ўтмай, яна гуллаб-яшнади.

Яқинда биз ҳам шу маҳаллада бўлиб, боғнинг кузги ширин-шакар меваларидан тотиб кўрдик. Маҳалладошлар ва кекса боғбон Шоқосим ота билан дилдан сўхбатлашдик. Шунда маҳалла аҳли бир овоздан «Бу боғ Шоқосим ота боғи» деб тилга олганларидан отахон дил-дилдан яшнаб кетди. Ҳа, у ўз меҳнати қадрини кўраётганидан хурсанд эди.

ЎКИНЧ

Қодиржон эрталаб барвақт турди. Яқин дўстларидан бири отасининг 80 ёшга тўлган кунини муборакбод этиб, наҳорга ош бераётган эди. Шошилиб кийинди. — Қунора, ҳар кунни ош, — деди хотини, шовилганингиз шовилган. Кечқурун алла-паллада қайтасиз. Ойимнинг аҳволлари тобора оғирлашиб борапти. Фанимат одам. Олдларига кириб бундай бемалол гапларини ўтиришга вақтингиз йўқ. Хотинининг бу гапи Қодиржоннинг гафтини келтириб, асабини қўзғатди. — Нима дейсан, айтилган жойга оша, ишга борма ойимнинг олдиларига кириб ўтирайми? Кечқурун эртароқ келганимда кўнгуллари қўраб турибманку.

— Сўраб турибсиз, сўрамайсиз дегаятганим йўқ. Лекин ҳар гап ишингиз қилиб кетаётгандек шошилиб кириб, шошилиб қикасиз. Бундай олдларидида бемалол ёзилиб ўтирмайсиз. Кеча анча тоблари бўлмай, «Тез ёрдам» чақиртирдик. Анча-мунча доирларини ёзиб ташлаб кетди. Мана қозғолири. Ошдан чиқиб машина-гизда шундай ташлаб ўтарсиз.

— Машинанинг бензини йўқ. Ҳали бензин ҳам олишим керак. Ошдан чиққунча кечикиб кетаман. Ишга барвақт боришим лозим. Чойдан кейин ўзинг бафуржа дорихонага чиқиб келарсан.

Бошқа гапга ўрин йўқ дегандек, Қодиржон индамай чиқиб кетди. Дўстиникига етиб борганда амри-маъруф энди бошланган экан. Бир четдан қой олиб ўтирди. Маърузачи худди унинг ўйида хозиргина бўлиб ўтган маш-машадан хабар топгандек гапни фарзанднинг ота-она олдидаги бурчидан бошлади.

— Гуллارнинг ичиди энг ширин ҳидлиси қайси? — деб сўрабди бир йигит донишманддан.

— Ота-она тирикчилигида уларни хурсанд қиладиган, вафотидан сўнг эса уларнинг номини абадийлаштирадиган ҳаёт гули бўлиши фарзанд, деб жавоб берибди донишманд. Шундай азизлар, — деб сўзини давом эттирди у, — ота-оналаримизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, доим уларнинг хизматига қойим бўлишимиз, уларнинг дилга озор берадиган сўзларни айтмоқликдан тийилишимиз, ота-она истагини дарҳол баҳо келтиришимиз лозим.

Одам табиати қизик. Гоҳо бирига сўз ўйлантириб, хаёлга толдириб қўяди. Домланинг мана шу охирги сўзи неғадир айнан Қодиржон учун тааллуқликдек бўлиб туюлди. Шу кунги юрса ҳам, турса ҳам хаёлидан шу сўз кетмади. Бирдан хотинининг «Ойимга дори-дармон келтириш керак» деган гапи эсига тушиди-ю, шошилиб, уйга отланд

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОНО БУЛУР...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИҚМАТ БУСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИҚМАТЛАР

Хатога нисбат этмас ким эшитса, Сўзи дойим аниқким, рост бўлмай. Ҳар эр ёлгон билан машҳур бўлса, Ким уни рост деб иқдор қилмай.

Бири давлат билан мағруру гофил, Бири меҳнат билан ранжуру соил. Бу ҳолатда қачон бўлмайсен, эй кул, Кечиб ўз ишларингдин Ҳаққа машғул.

Ор кўрма билмаганин сўрмага, Сўрмайинча илим ўрганмас киши. Илим ўқуб ҳар ким амал қилди эса, Жаннат ичинда тафайрудури иши.

Эй нечаларни кўрубтур бу жаҳон, Эй нечалардан дағи ортби қолур. Сен алардан олмасанг ибрат буқун, Тонг била сендан булар ибрат олур.

Куч билан топмади ким эрса жоҳ, Бермайин холиқи замону замин.

Эй булбули гулшани маоний, Сўзунг эшитиб, кўнгул бўлур шод. Ё нахл бекин сахий керак эр, Ё сарв сифат хамиша овод.

Мунда дойим эйгулик эткан киши, Жаннат ичинда тамошодур иши.

Комил эр айб истамас, кўзлар хунар. Бўлса ҳар кимса жодини маънос, Кўли қувват топар, тили узоқлур.

Нўширвоннинг оти тирик қолди адл ила, Бўлди агарчи ўзи ўлуб, хок аро ниҳон. Бас, хайр эт, эй фалон, тугуб умрингни мугтанам Ондин бурунқи, халқ дегой қолмади фалон.

Зоти ҳар кимнинг ёмондур, яхши ҳаргиз бўлмағай.

Нух ўғли бўлур ямонлар ила, Еди насли нубуввати барҳам. Яхшилар измага ихорон учун Бўлди асхоби кағфр ити одам.

Ҳосидлар ҳеч нима била рози ва хушнуд бўлмаслар.

Мададор истасанг вақти мусибат, Саломат вақтида қилғил саховат.

Подшоҳеки, зулм этар бунёд, Қилғай ўз мулки, давлатини барбод.

Гар санга жавру зулм эса марғуб, Ўлганиндур тириклигингдин хўб.

Ҳаром ангадур неъматни подшоҳ, Ки сўз вақтини қилмас эрса нигоҳ. Сўз айтур чоғин билмасанг, бўл хамуш, Ки бу иш эрур айбинга пардапуш. Била олмасанг гар муни урма дам, Дебон бемаҳал қилма қадрингни кам.

Ул хайлики, бир гўшага юз урдилар, Фориг элут иттиҳидин ўлтурдилар. Йиртиб қозу қаламини сиңдурдилар Ҳам ўзарларини, ҳам элти тиндурдилар.

Гоҳ бўлурким, подшоҳлар надими бўлгон киши зар олур, гоҳ бош берур, подшоҳлар гоҳ салом берган кишидин ранжида бўлур ва гоҳ дашном қилгон кишига хилват берурлар.

Ҳақни билган кимса айлар ростлиғ, Ростга йўқ камлиқу ҳам қостлиғ.

Гар эшак хору бетамиз ўлди, Юк кўтармак била азиз ўлди.

Кўрсалар гар бир ямонни бахтиёр, Оқил эл таслим этарлар ихтиёр.

Дўстга андоқ қувват бермағилким, бир вақт сенга душманлик қилса, мукобил бўла олмайгайсан.

Улуғ андоқ кишини қилма гумон — Ки, улуглар отин чиқарди ямон.

Кимда такво либосини кўрсанг, Порсо бил уни ва яхши киши. Кўнглида на борин чу билмасан, Мухтасибнинг уй ичига йўқ иши.

Ўзгалар айбини улким сенга еттургусидур, Билик, айбининг сенинг доғи оларга еттурур.

Чун қотиллик ичра қолсанг, берма ожизликга тан, Душманнинг пўстини юлғил, дўстининг пўстинин.

Бир обидни бир подшоҳ талаб қилди. Обид ўзига дедиким, бир дору еб, ўзимни заиф ва ожиз қилиб борай, токим подшоҳинг эътиқоди менинг ҳақимда зиёда бўлмай. Айтурларким, еган доруси захри қотил эрди, билмайин еб, ўлуқлар қаторига кирди.

ОГАҲИЙ таржималари Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

II Республика тиббиёт коллежи жамоаси коллеж директори Миржомол Агамоваич Адилова волидаи муҳтарамаси

Муборак Илхамовна АДИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Танловлар

ЗУЛФИЯХОНИМ ҚИЗЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗДА ЁШ АВЛОДГА ТАЪЛИМ БЕРИШ, УЛАРНИ БИЛИМЛИ ВА ЗУККО ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, ТУРЛИ Йўналишларда ижод қилаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиз ёшлари ўртасида турли таълим грантларининг эълон қилиниши, таълим олиш учун уларга яратилаётган имкониятлар келажакда ёшлар ақлий салоҳиятини юксак даражага кўтарилишидан далолат беради.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши ҳам иқтидорли ва истеъдодли қизларимизнинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек уларнинг эзгу ниятларининг амалга оширилишида муҳим омил вазифасини ўтамоқда.

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Шайхонтохур туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Танловда тумандаги олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактабларида тахсил олган 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган ўн олти нафар иштирокчи қизлар катнашдилар.

Танлов қатнашчилари билан-салоҳиятлари, қийинчи одоби, сўзлашиш маданияти, дунёқараши, онг ва тафаккурларининг нечоғли бойлиги, адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намойён этдилар.

Танловда педагогика фанлари доктори профессор Кумри Абдуллаева, Тошкент шаҳридаги 1-перинатал маркази директори Майрам Содиқова, «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Абдулазиз Муҳаммадқаримов ҳайрат аъзолари сифатида иштирок этдилар.

—Зулфия мукофоти бугунги кунда мамлакатимиз қизларининг ўз салоҳиятлари, доно ва зуқко, билимли ва иқтидорли эканликларини намойиш этишга йўл очиб бер-

ди, — дейди педагогика фанлари доктори, профессор Кумри Абдуллаева. — Ўгаки, ушбу танлов якунида энг иқтидорли қизлар фойда бўлиди. Ўзбекистон жаннатмакон юрт. Унда ҳар бир ўғил-қиз абадта оқил, доно, билимдон бўлиб вояга етмоғи керак, албатта. Чунки ҳукуматимиз томонидан улар учун кўплаб имтиёزلар ва шарт-шароитлар яратилмоқда. Бугун танлов ҳам энг иқтидорли ва истеъдодли қизларимизни танлаб берди. Умид қиламизки, уларнинг келажаци ёрқин ва нурфшондир. Мамлакатимиз раванқи ва оқсалишида шу ёш нихолларнинг ўзига ҳос ўрни ва роли бўлиши табиийдир.

Шу тариқа Шайхонтохур туманида ўтказилган танлов ҳам ўзига ҳос тарзда муваффақиятли якунланди. Туман босқичида бешта йўналиш бўйича ғалаба қозонган 5 нафар қизлар шаҳар босқичига йўланма олишди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Спорт янгиликлари

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ — ГУРУҲДА БИРИНЧИ

КЕЛГУСИ ЙИЛДА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ ГУРУҲ БАҲСЛАРИ БАА ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА ЎТКАЗИЛИШИ ҲАҚИДА МУҲЛИСЛАРГА ХАБАР БЕРИБ ЎТГАНДИК.

Туркманiston, БАА, Тожикистон, Бангладеш ва Фаластин терма жамоалари билан «Д» гуруҳидан ўрин эгаллаган Роберт Гай бош мураббийлигидаги ҳамюртларимиз аввалига Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси билан куч синаяпти 2:2 ҳисобида дуранг натижа қайд этишганди.

Кейинги баҳсларда дастлаб туркманistonликларни 4:1, сўнгра тожикистонлик ва бангладешлик тенкурларини бир хил — 3:2 ҳисобида доғда қолдирган ҳамюртларимизга фаластинлик футболчилар билан уюштирилган сўнги бешлашувда ҳам омад кулиб боқди. Учрашувда ҳар томонлама устунлик қилган Роберт Гай шогирдлари рақиблар дарвозасига 90 дақиқа мобайнида 6 та гол киритиб, фақатгина 1 та тўп ўтказиб юборишди. Ва гуруҳда 13 очко билан биринчи ўринни қўлга киритиб Осие чемпионатида қатнашадиган бўлишди.

Бешинчи турда бангладешлик ёш футболчилардан 3:0 ҳисобида устун келган ён кўшимиз — тожикистонликлар 10 очко билан иккинчи, майдон эгаларини 2:1 ҳисобида мағлуб этишган туркманistonликлар учинчи ўринлар эгасига айланишди.

Дарвоқе, эндиликда Осие чемпионатида ҳамюртларимиз билан бирга тожикистонликлар ҳам иштирок этишади.

ЕКАТЕРИНБУРГДАН ҒАЛАБА БИЛАН

ҲАВАСКОР БОКСЧИЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНОРИ БЎЛГАН ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАРИ ОРАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГНИ Қўлга киритган ШЕРЗОД ҲУСАНОВ ЖОРИЙ ЙИЛ ЯНВАРИДАН ПРОФЕССИОНАЛ БОКСДА ОМАДИНИ СИНАБ КўРАётганлигидан Кўпчилиكنинг ХАБАРИ БОР.

Шу кунгача профессионал боксда 6 марта жанг ўтказиб барчасида ғалаба қозонган Шерзод кунча Россиянинг Екатеринбург шажрида уюштирилган профессионал бокс кечасида яна зафар қучди.

Гап шундаки, россиялик Ян Ходиров билан рейтинг жангида беллашган Шерзод Ҳусанов рақибидан ақвол устунлик қилди. Рақибига кетма-кет ҳужумлар уюштириб, аниқ зарбалар берган Шерзод олти раундни жангининг бешинчи раундида мuddатидан аввал ғалаба қозонди. Ян Ходиров Шерзоднинг зарбаларига дош беролмай нокаутга учради.

Акбар Йўлдошев



БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК УМИДИ

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА КЕЛАЖАК ЭГАЛАРИ Бўлган ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиб болалар спортининг оммавийлигини таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2002 йил 24 октябрда эълон қилинган «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини ташуш тўғрисида»ги Фармони ва республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти ҳам айнан болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодининг жисмонан ва маънан соғлом камолга етишига қаратилгани ҳам фикримиз далилидир.

Мана орадан 5 йил вақт ўтди. Ўтган давр мобайнида жамғарма томонидан айтишга арзиғулик хайрли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, болалар жисмоний тарбия ва спортини ривожлантириш, уларда спортга меҳр уйғотиш, ўсиб келаётган ёш авлод онгиде спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш, Ватанга меҳр-муҳаббат ва ўз мамлакатини учун гуруру ва ифтихор руҳида тарбиялаш борасида бир қатор спорт комплекслари, спортга ихтисослаштирилган мактаб ва тўғрақалар фаолияти йўлга қўйилди. Ўтган йиллар мобайнида биргина пой-

тахтимиз болалари учун 14 та янги спорт мажмуаси қуриб ишга туширилди, 2 та умумтаълим мактабларига қўшимча спорт заллари қуриди. Мактаб ва маҳаллалар қўшидаги жами 21 та спорт майдонлари қайта таъмирлаб берилди. Бугунги кунда ушбу мажмуалардаги 135 та спорт секцияларида 6478 нафар болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда, шулардан 1367 нафарини қиз болалар ташкил этади.

Яқинда жамғарма ташкил топганининг беш йиллиги муносабати билан Мирзозулук туманидаги «Умид» болалар спорт комплексида катта спорт байрами бўлиб ўтди. Тадбирда спортчи-ёшлар ва фахрийлар, турли соҳа ва мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Эътиборлиси, байрам тадбирида юртимиз байрогини турли халқаро мусобақаларда баланд кўтарган, спортимиз фахри бўлган чемпионлар, уларга сабоқ бериб келаётган мураббий ва ўқитувчилар Фахрий ёрликлар, Халқ таълими аълочиси нишонини ва кимматбаҳо совға-саломлар билан тақдирланди.

Биз тадбир иштирокчиларининг қувончларига шерик бўлиб уларнинг дил



Сўраган эдингиз

СИФАТИНИ Йўқотмай Сақланади

Хурматли тахрироти ҳодимлари! Газета саҳифаларида иложи бўлса, сабзавот, мева ва резаворларни сақлаш борасида маълумотлар берсангиз?

Н.Шотурсунова, Тошкент шаҳри, Абдулла Зоҳидов кўчаси. Инсон ҳаётини табиат неъматларисиз тасаввур қилиш қийин. Мева, сабзавот, резавор, қўйинчи, зираворлар нафақат одамни ҳаётбахш озуқа моддалари билан таъминлайди, балки улар кези келганда бир қатор ҳасталиқлар давоси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Сабзавотларни яхши сақлашнинг асосий омили неъматларни ўз вақтида териб олиб, саралаш ҳисобланади. Ўта пишиб кетган, шунингдек, туриб қолган сабзавотлар ўзининг озикавий қийматини йўқотади, дағаллашади, ёрилади ва касалланишга мойиллиги ортади.

Сабзавотларни сақлаш учун аввало сақланадиган хонани кўнгилдағидек тайёрлашга тўғри келади. Сабзавотларни оdatда ертўлаларда, ўраларда сақланади. Сабзавотларни захирага тайёрлашдан олдин хона созулади, ахлатлардан тозаланади, қуритилади. Зараркунандалардан ҳамда кемирувчилардан холи бўлиш мақсадида хлорли оҳак билан дезинфекцияланади. Хонада мавжуд бўлган тешик ва тирқишларни тош, шиша синиқлари билан зичлаб ёпилиб, устига оҳак ёки цемент қўйилади. Бунда албастр билан ҳам пухталанса бўлади.

Шуни эътадан тўғри керакки, сабзавотлар сақланадиган хонада ҳаво димиллиги қолмаслиғи керак, чунки сабзавотлардан ажралаётган ҳаво таркибиде карбонат ангидрид гази қўпаяди, бу эса ўз навбатида сабзавотларнинг сақланишига салбий таъсирини кўрсатмай қўймади. Шунинг учун хона тез-тез шамоллати турилиши ёки тўйнуқ бўлиши керак.

САРА КАРТОШКА БўлСУН

Авалламбор, захирада сақланмоқчи бўлган картошка асл навли бўлиши даркор. Картошканин «Эртанги нимранг», «Қайчибарг», «Қайроқи» каби навларини узоқ сақлаб бўлмайд. Одатда картошканин кечки навларидан ўртача катталиқдаги, кунгираси юмалоқ териб олинади-да, бир оз чирган, захаланган, шунингдек шикастланган, яшил тусга кирган туғанаклар холи этилади ёхуд олдинроқ ишлаштириб унча ажратилади. Картошканиннинг сараси шамоллатилиб қуритилади ва тирқишли ёғоч кўтиларга солиниб, устма-уст устун қилиб 2 метр баландлиқкача тахланиб қўйилади. Мабодо картошкани сақлаш учун махсус хона бўлмаса, у ҳолда уни ўра, хандақча шароитида ҳам тузуқина сақлаш мумкин. Бунинг учун чуқурлиги бир-бир ярим қўлоч бўлган ўра қазилади. Ўра иложи борича қуруқ тупроқли, яъни зах

бўлмаган, шунингдек қудуқ ва ариқлардан хийла узоқроқ жойлардан қазилиши даркор. Уранин тағи ва ёнарлига сомон ёхуд ёнғоқ барглари солиниб картошка тўкилади-да, устига тахминан 5-10 сантиметр қалинлиқда қуруқ тупроқ ёки кум тўшалиши лозим. Совуқ тушадиغان паллада ўра устига сомон, қамш, ҳазон ёхуд эски кигиз (намат) тўшали намлидан муҳофаза этиб ёпилади. Мутлақ ҳолда полиэтиленлардан фойдаланмаслик керак.

ЭЛЕВЗОЛАНГАН БОШ ПИЁЗ

Кундалик ҳаётимиз пиёзсиз ўтмайди, десак муболага бўлмайди. Улкаимиз заминиде «Қаба», «Қоратол», «Марғилон пиёзи», «Андижон оқ пиёзи» каби навли пиёзлар етиштирилади. Одатда қишга захира сифатида сақлаш учун «Қақраб» турган пиёз бошлари, яъни кўчириш олдида суғорилмаган-

лари шамоллатиб, қуритиб, қалинлиги бир қарич қилиниб сақланади. Яхши сақланган пиёзларни қути ҳамда сабатларда сақлаш мумкин. Мабодо пиёз бошлари, барглари узул қилиб ўралган ҳолда осиб сақланадиган бўлса, унинг сақланиш мuddати кўзилади. Иложи бўлса, сақланаётган пиёзларни устки «қалқон» қаватидан холи этилмагани маъкул. Пиёзнинг ўша устки қисми моғор бошидан муҳофаза этади. Пиёз бошларини чамбар улаиб ёхуд тўр халталарда ҳаво эркинлиги бўлган жойларга илиб қўйиладиган бўлса, узоқ ва яхши сақланади.

Гоҳо кўтарасига олинган пиёз бошлари ёрилган, кесилганлари учраса, унда пиёзнинг бўлинган юзасига маргарин суртиб қўйилса, хийла узоқ сақланади.

Шуни эслатиб ўтмоқ жоизки, қишга, баҳорга қадар сақланиши лозим бўлган сабзавотлар маъданли ўғитлар (азотли селитра, мочевина) суистеъмол қилиниб етиштирилмаган бўлиши лозим. Сабзавотларнинг ёғубор экалгини бозор қўшидаги мавжуд санитария-ветеринария таянч лабораториялари воситасида таҳлил этикиб олиш мумкин.

САБЗИНИ ШЕРОИТИДА САҚЛАШ УЧУН УНИНГ ТАГИГА УЭНИК ҚАЛИНЛИҚДА ҚУМ ТўШАЛАДИ ВА УНИНГ УСТИГА БИРБИРИГА ТЕГИЗМАСДАН ТЕРИЛАДИ. УНИНГ УСТИДАН ИККИ ЭНИК ҚАЛИНЛИҚДА ҚУМ ТўШАЛИБ, ЯНА БИР ҚАВАТ САБЗИ ТЕРИБ ЧИҚИЛАДИ. Бундай тадбир сақланаётган сабзи қўббаси (пирамидасининг) бўйи бир қўлоч бўлгунчида олиб борилади.

Ўзбек хонандонида сабзини сақлашда кўпинча анъанавий усул қўлланари ҳоллари бор. Бунда хийла яхши сақланадиган «Мушак мирзойи», «Сарик мирзойи» шунингдек, «Шантане» навларининг қуйруқ қисми қилиниб, захирага тайёрланади. Чунки бундай амал қўланилганда илдизмеваининг барвақт қўқариб кетишига хотима берилади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1006

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот божқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2049 нусxada босилади. Қоғоз бичими А-2
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамити»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер марканда терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюқ Тўрон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 14.15